

Етук муҳаддиснинг Самарқанд бўйлаб сафари якунланди



12:29 / 20.09.2018 7258

Юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар - шайх Аввома бошчилигидаги гуруҳ бугун эрталаб Самарқанд зиёратини давом эттириб, Шоҳи Зинда мажмуасига ташриф буюрдилар.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Шайх Аввома ҳазратлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг ўғли Қусам ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг қабри устида узоқ дуолар қилдилар, у киши ҳақидаги ҳадисларни айтиб, бу саҳобийнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлаб бердилар.

Навбатдаги зиёратгоҳ – Чокардиза қабристонидаги Абу Мансур Мотуридий роҳматуллоҳи алайҳнинг қабрлари бўлди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Меҳмонлар Қуръони Карим тиловатидан сўнг бу улуғ алломанинг ҳаққига кўп дуолар қилишди. Шайх Аввома кеча бошланган хайрли анъанага биноан Абу Мансур Мотуридий ва у зотнинг илмий мероси ҳақида сўзлаб бердилар, ватандошимизнинг «Таъвилоту аҳли сунна» деб номланган тафсир китобларига боғланадиган узлуксиз санадларини зикр қилиб, китобнинг бошланишидаги «Тафсир билан таъвил ўртасидаги фарқ» номли

муқаддимани, унинг умумий мазмуни ва хулосасини айтиб бердилар. Шунингдек, шайх Аввома «Табақотул ҳанафийя» номли машхур китобдан Абу Мансур Мотуридий дафн қилинган Чокардиза қабристонини ҳақида ҳам қўшимча маълумотларни ўқиб бердилар. Ушбу қабристон қадимдан уламолар, фозиллар, валийлар дафн қилинган жой бўлиб, жумладан, у ердаги «мақбаратул муҳаммадийин» номли жойда 400 га яқин исми Муҳаммад бўлган муфассир, муҳаддис, фақиҳ зотлар дафн қилинган.

Шундан сўнг имом Мотурудий ёдгорлик мажмуи ходимлари меҳмонларга мажмуада сақланаётган қадимий қабр тошларидаги ёзувларни ўқиб бердилар. Узунчоқ қайроқ тош кўринишидаги бу қадимий ёдгорликлар тил шаклида бўлиб, келгуси авлодга буюк аجدодлар тарихини сўзласин деган маънода шундай тошлар танланган.

Кейинги зиёратгоҳимиз Имом Доримийнинг мақбаралари бўлди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Шайх Аввома ҳазратлари бу буюк муҳаддиснинг қабри устида ҳаёти ва илмий мероси ҳақида, хусусан, у кишининг «Сунани Доримий» асари ҳақида сўзлаб бердилар. Сўнг ўзларининг имом Доримийгача бориб етадиган узлуксиз санадларни зикр қилиб, мазкур «Сунан»да ривоят қилинган Соф сурасини қироат қилиш билан мусалсал бўлган ҳадисни ўқиб эшиттириб, барча ҳозир бўлганларга ижозат бердилар. Бунинг маъноси

шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу сурани саҳобаларга ўқиб бериб, ривоят қилганлар. Саҳобалар бу ҳадисни кейинги авлодларга ўқиб, ривоят қилишган ва шу тариқа ушбу силсила бугунги кунимизгача етиб келган.

Бугунги кунга режалаштирилган сўнгги манзил Хожа Аҳрор Валий роҳматуллоҳи алайҳнинг қабрлари бўлди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Қуръон тиловатидан сўнг шайх Аввома бу улуғ зотнинг ҳақларига кўпдан кўп дуолар қилдилар. Сўнг у зотнинг ҳаёти ҳақида қисқача сўзлаб, жумладан, Шом диёрида у кишини Убайдуллоҳ Аҳрор деб билишларини, бу зот Нақшбандия тариқатининг машҳур халифаларидан бири эканини айтдилар. Хожа Аҳрор Валий мақбараси ходимлари у зот билан Баҳоуддин Нақшбанд билан ораларида икки киши борлигини айтиб, бу

маълумотларни тасдиқладилар.

Шайх Муҳаммад Аввома раҳбарлигидаги меҳмонларимизнинг юртимиз бўйлаб сафари ҳақидаги тафсилотларни Islom.uz сайти орқали кузатиб боринг.

Islom.uz портали таҳририяти